

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МУЛОҚОТИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ИХЧАМЛАНИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11169592>

Курбанов Музаффар Абдумуталибович

Андижон давлат чет тиллари институти доценти

Мўминова Матлуба Акмалхон қизи

Андижон давлат чет тиллари институти магистранти

Паралингвистик воситалар илм-фанда нутқий мулоқотнинг асосий функцияларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, улар нутқнинг маъносини тўлдиради ва чуқурлаштиради, унга катта экспрессивлик беради ва умуман олганда, коммуникантлар билан ўзаро муносабатларни бойитади. Паралингвистик воситалардан фанда мақсадли ва фойдаланиш иш фаолиятини янада муваффақиятли ташкил этиш, идрокининг турли тузилмаларига ҳар томонлама, аниқроқ ва тежамкор таъсир кўрсатиш имконини беради. Масалан, ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинаётган ҳар қандай новербал семиотик белгилар ва кодланган бирликлар айрим вазиятда ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Шунга қарамадан, паралингвистик воситаларнинг илм-фан ва техника тараққиёти билан боғлиқ кўплаб масалалар назарий ва тилшунослик фанида тўлиқ ечимини топмаган муаммоларга киритиш мумкин. Айниқса, замонавий тилшуносликда вербал воситаларни нутқий тежамкорлиги деярли барча тилларда ўрганилган соҳа тармоғига киритсак, новербал мулоқотда тежамкорлик ёки мулоқот иқтисоди фанда эътибордан четда қолиб кетаётган муаммоларга қаторида санаб ўтиш мумкин.

Замонавий тилшуносликда ўзбек олими М.Курбанов илк бор инсон имо-ишоралари билан боғлиқ новербал воситаларни қўллашда тингловчида мумкин бўлган тушунмовчилик вербал воситалар ҳамда комплекс бажарилиши лозим бўлган новербал мулоқотнинг ихчамлашиш ёки қисқартирилиш жараёнининг муҳим ўрнини очиб берган. Мазкур ихчамлашиш жараёни барча тиллар учун универсал мазмунга эга бўлса, бугунги кунда коммуникантлар томонидан мулоқотда ортиқча новербал воситаларсиз, яъни имо-ишора ҳаракатларисиз тушуниб этишда кенг қўлланилади. Шу боисдан, олим уни паралингвистик ихчамлашиш деб аташ таклиф қилган. Масалан, мулоқотда суҳбатдошининг фикрларидан қониқиш

қилмаслик, таажжубланиш ёки иккиланиш ҳолатларини қўшимча компонентларсиз қисқа қилиб елкасини қисиб қўйиш ёки икки қафтларини ёйиш орқали ифодалаш мумкин.

Масалан:

Ўзбек тилида – Чол "ихтиёр менда эмас" деган каби елкасини қисди-да, сўнг бирдан бўшашиб илжайди. (Ойбек. Қутлуғ қон).

Инглиз тилида – Athos shrugged his shoulders, and followed his guards silently, while M.Bonacieux uttered lamentations enough to break the heart of a tiger. (Dumas A. The Three Musketeers).

Юқоридаги мисолларда "ихтиёр менда эмас, деган каби елкасини қисди" ва "shrugged his shoulders, and followed his guards silently" ишора ҳаракатларида қахрамонларининг фикрлари новербал воситалар орқали ифодаланган ва нутқий тежамкорлик таъминланган. Натижада, қошларини кўтариш, лабларини буриштириш ва қафтларини икки ёнга ташлаб очик ҳолатга келтириш каби комплекс ҳаракатларнинг ўрнини тўлдириш билан нафақат вербал воситалар, балки новербал воситалар учун ҳам тежамкорлик ўрнида фойдаланилган.

Паралингвистик ихчамлашиш нафақат ишора ҳаракатларида балки барча новербал воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Уларга имо-ишора ҳаракатлари билан бир қаторда новербал мулоқотни ифодаловчи семиотик бирликлар ва кодланган белгилар тизимини ҳам киритса бўлади.

Айтиш жоизки, нутқий мулоқотда мавжуд сўзлар асосида яратилган қўшма сўзлар, номинатив бирликлар, новербал мулоқотда янада ихчамроқ шаклда узатилишига ҳаракат қилинади. Қўшма сўзлар икки катта гуруҳга бўлинади: график ва лексик. Лексик қисқартмалар вербал мулоқотда яратилса, график эса новербал мулоқотда ўргаилади. НOVERбал мулоқотда график қисқартмалар ташқари фонетик ва кинесик қисқартмалар ҳам мавжудлигини инобатга олиш жоиздир.

Вербал мулоқотда нутқий тежамкорлик жараёни маълум бир сўз ёки иборанинг график шакли ёки чизмаси эмас, балки сўзларга мос келадиган белгилар тўлиқ сўзлар/ибораларни қисқартириш орқали амалга оширилади. Улар одатда ёзма равишда ишлатилса, лекин оғзаки нутқда уларнинг асл шакли амалга ошириш мураккаб ҳодисадир.

Шунга кўра, вербал мулоқотда лексик қисқартиришда бундай ҳодисалар катта ҳажмли исмлар, кенгайтирилган иборалар, кўп бўғинли сўзлар, талаффуз қилиш учун ноқулай бўлган терминлар ёки чет тилларидан кириб келган атама сўзлар билан ифодаланади. Одатда бундай лексик

қисқартиришлар ёзма нутқда кўпроқ фойдаланилади ва матнни тежаш, маъруза матнларини қисқа фурсатда ёзиб қолиш, сақлаш ва эслаб қолишда қулайликни таъминлаш учун ишлатилади. Жумладан, лексик қисқартмаларни шакллантириш, асосан ёзма нутқда бош ҳарфлар билан ёзишда учрайди. Бу дунёнинг деярли барча тилларига хос саналади.

Масалан: Бирлашган миллатлар ташкилоти - БМТ,

Light Amplification by Stimulated Emission of Radiation - LASER

Қисқартмаларнинг семантик мезони масаласига келсак сўзлар ва уларнинг асл тўлиқ шакллари турли хил аниқликларга дуч келиши мумкин. Баъзи тадқиқотчилар сўзларнинг қайта шаклланганлигини таъкидлайди. Масалан, Г.Маслова, Е.Волошин, А.Шаповаловалар қисқартириш бўйича қайта шаклланган сўзларни неологизм сифатида таснифланиши керак, деб ҳисоблашади. Бошқа олимлар бу фикрда бундай лексемаларни янги сўз деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги, чунки улар асл сўз ёки иборанинг вариантлари, деб таъкидлашади (Қ. Г. Ишбоев, В.В. Елкин, А.И. Смирницкий). Учинчи гуруҳ олимлари эса қисқартирилган бирликлар ва уларнинг тўлиқ вариантлари ўртасидаги семантик ўзгариш қайд этилиб, уларнинг иккиси ҳам бир маъно ифода этиш билан бирга янги шакл ясаганлигини эътироф этади. (В.С. Богославцева).

Бизнинг фикримизча юқоридаги олимларнинг у ёки бу даражада гипотезалари ўринлидир. Чунки, тил қисқартирилган лексик бирликларнинг турли хил вазифалари, уларнинг баъзилари асл сўзларнинг вариантлари сифатида тан олиш мумкин, бошқалари маълум ҳодисага учраб неологизмни, бошқаларда эса семантик силжиш, янги шакл ясалишини кузатишимиз мумкин.

Сўзлашув нутқида мураккаб морфологик кўрсаткичлар одатда содда ва осон кўрсаткичлар билан алмаштирилади ва концепция отлардаги мансублик аксарият ҳолларда ифодаланади. Морфологик жиҳатдан бир сўз ичида эгаллик предмети ҳам, сўзловчининг юзи ҳам бир вақтда маълум ахборот мазмунини биргаликда ифодалайди. Сухбат давомида коммуникантлар ахборот етказишга тингловчига имкон қадар кўпроқ маълумот беришда осон ва қисқа қилишга ҳаракат қилади. Аммо ушбу жараён хорижий коммуникант билан мулоқот қилишда бошқачароқ кечади. Улар билан мулоқотда нутқни осон ва тушунарли бўлиши учун соддалаштириш, турли хил фонетик ўзгаришларга йўл қўймайсликни ва ва морфологик кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланишни ҳамда тил эгаси

бўлмаган хорижий коммуникант учун универсалликни ифода этмайдиган имо-ишора ҳаракатлари, овоз оҳанглари, кодланган белгилар тизими ва бошқалардан умуман фойдаланмасликни тавсия этамиз. Чунки хорижий коммуникант кўпинча нутқнинг нима ҳақидалиги эмас, балки баёнот мавзуси ҳақида ўйлайди. Шунинг учун фикрни ифодалашда, қисқа ва аниқ етказишга, новербал воситалардан камроқ фойдаланишга эътибор бериш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Marschak J. The Economics of Language // Behavioral Science, 1965. – P. 183-192.
 2. Хусанов Н. Иқтисодиёт тили ва матн // Университет ахборотномаси, ГулДУ. № 2, 2019. –Б. 34-37.
 3. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг субстанционал (зотий) талқини. –Т.: Фан нашриёти, 2007.
 4. Юсубова Р. Принципы лингвистической экономики и избыточности в поэтических методах/Молодой учёный, № 7 (18), 2010. – С. 174-176.
 5. Kosimova, M. (2024). NATIONAL-CULTURAL AND ETYMOLOGICAL ISSUES OF SPECIAL TERMS. International Journal of Education, Social Science & Humanities, 12(3), 577-581.
 6. Zaynobbiddinova, K. M. (2020). GENDER CHARACTERISTICS IN THE EMERGENCE OF CONCEPTS AND THEIR LINGUOCOGNITIVE ESSENCE SCENARIO. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 9(6), 56-59.
- Kosimova, M. (2024). NATIONAL-CULTURAL AND ETYMOLOGICAL ISSUES OF SPECIAL TERMS. International Journal of Education, Social Science & Humanities, 12(3), 577-581.